



Шарқий Туркистон халқи Хитой асоратидан қутулишга бел болаган бир пайтда Русия Хитойнинг ички ва ташқи аҳволи танглашганидан фойдаланиб, мазкур ўлкани ўз таъсири доирасига олишга ҳаракат бошлади.

Ана шу мақсадда савдо муносабатлари ўрнатилди. 1850 йилга қадар руслар Или дарёси ҳавзасини ишғол қилиб, Шарқий Туркистоннинг бевосита қўшниси бўлиб олган эди. Ана шу 1850 йилдаёқ рус ҳукумати Хитойдан Или (Гулжа) Тарбағатой ва Қошғарда савдо билан машғул бўлишига рухсат сўради. Нihоят, 25 июнь 1851 йили Гулжада тузилган бир тижорат битимига биноан руслар зикр этилган ўлкаларда савдо билан шугулланиш имкониятга эга бўлди (Кузнецов, К вопросу о торговле, 29-6.). Аммо Хитой Русиянинг Қошғар шаҳрида савдо қилишига рухсат бермади. Бу дастлабки битим 17 моддадан иборат бўлиб (Битим матни, туркча: Сйёп (Тег) 121 - 123 6.), унда Шарқий Туркистонда биринчи марта Гулжада рус консуллиги очилишини ҳам кўзда тутарди. 1866 йилда эса

Кошгарда иккинчи рус консуллиги ҳам очилди.

Шаркий Туркистон билан тижорат алокалари ўрнатиш оркали ташланган бу кадам сиёсий ва ҳарбий моҳиятга эга бўлган илк кадам эди. Ғарбий Сибирь бош волиси Гасфорт 1852 йилдаёқ Кошгар Хитойдан ажратилиб, Русия химояси остига олинди керак, деган таклифни ўртага ташлаган эди. Рус ҳукмдорлари бу режани ичдан маъқуллаб, уни амалга ошириш учун қулай фурсат пойлардилар. Рус ҳукумати савдо қарвони никоби остида бир айгокчи хайъат ташкил қилишга қарор қилди. Гасфорт Русия ташқи ишлар нозирлигининг 1856 йил 23 май кўрсатмасига биноан 1856 йил 23 июнда 245 аскар ва бир тўпчи батареяси билан ташкил топган бирликни Тангри тоғи тоғидаги Юғентошдан Гулжага юборишга буйруқ берди. Бошқа қисмларга эса Чугучакдан 25 км масофа яқинлигида жойлаштиришга қарор берди. Бу тадбирлар амалга оширилди. Хитой Шаркий Туркистондаги кўзголонларни босириш билан овора бўлиб, русларга эътироз билдира олмади. Русия ташқи ишлар нозирлиги Осиё бюросининг мудир генерал Ковалевский Кошгарни истило қилиш ва ундан Русия химоясидаги бир «хонлик» вужудга келтиришни таклиф этади. Унинг фикрича, Кошгарни босиб олиш билан Русия Ўрта Осиёда мутлақ ҳоким бўлиб, бу ердан Хитой ва хонликларга таҳдид этиш имконига эга бўлади (Атрофлича маълумот учун қarang: Валихонов, 11. 565 - 566 б.). Бу ҳилдаги режани мамлакат ички муаммоларини билмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас эди. Шунинг учун 1857 йил 18 августда ҳарбий нозир Сухасонет Ғарбий Сибирь бош волисига савдо қарвон кийёфасидаги тажрибали ва ишончли бир киши (татарлардан ёки «бизнинг тошкентликлардан») (У вақтда ҳдди Тошкент руслар томонидан босиб олинмаганлиги учун «бизнинг тошкентликлар» бирикмаси қўлланилар эди. Русия билан тижорат алокалари мустаҳкам бўлган Тошкент савдо қарвонлари назарда тутилади бўлса керак.) (бўлсин) бошчилигида бир савдо қарвони ташкил қилиб, Кошгарга жўнатиш кўрсатмасини берди. Бу қарвон ҳарбийлар қўзғовида йўлга чиқмаслигига алоҳида эътибор бериш таъкидланди. Или ўлкасидаги ҳарбий қисмлар қўзғовидаги лозим эди. Сухасонет қўйидаги қарвонни ҳам қўшиб қўйишни унутмади: «Кошгарда қадимий хонадон (хўжалар назарда тутилмоқда - муаллиф) ҳокимиятни қўлга олиб, Хитойдан мустиқ бўлгунга қадар, уларнинг вакиллари сизларга бирон-бир ёрдам юзасидан ёки битим тузиш борасида мувожаат қилса, хоҳишларига қараб иш тутинг ва муомалада бўлинг, масаланинг ечими ҳақида ҳукуматнинг қарорини қўлинг» (Валихонов, 11, 567 - 568 б.). Бу шошилинч қарарни амалга ошириш учун Гасфорт юзбоши Чўқон Валихоновни бошлиқ, Файзулла Нўгаевни (Чўқон Валихонов (Валихон ўғли) (1835 - 1865) Абилайхон наслидан. Абилайхоннинг жияни бўлмиш отаси Султон Чингиз Валихон 12 ёшида Омскдаги қадет ўқишига қиради. Валихон Ўрта Юзнинг сўнги хони эди. У Ўрта Юз асоратга солинган, Аман-Қарағай тумани қозоқларининг султони қилиб тайинланди ҳдда 1860 йилгача Қўқчатов тумани султони бўлиб қолди. Қийослаган: Валихонов, 1, 12 ва 16-бетлар. Чўқон қадет ўқишида жугрофия ва тарихдан ташқари Осиё миллатлари (Хитой, Хиндистон, Эрон, Афғонистон, Турон ва араб мамлакатлари) мутахассиси бўлиб ҳам етишди. Бу ерда русча тарбия ҳам олди. Батафсил маълумот учун қarang: С.Зиманов, А.Атисев, Идеинополитическое пробуждение Чокана Валихонова ИНАК, 1965 № 3, 3-11-бетлар. Чўқон 1858 йил қадет мактабини битириб Ғарбий Сибирь бош волилигига ишга тайинланди. Бу ерда у «махсус топшириқлар субайи (офицери)» сифатида юборилган эди. Муслимон одатлари ва ўтмишини жуда яхши билганлигидан қозоқлар орасида русларнинг энг ишончли одамларидан бири ҳисобланарди. Туркистон тарихи, жугрофияси, адабиёти, этнографияси ва оғзаки ижодга доир анчагина

маколалар муаллифи Чўкон ўз она тили козок тилида атиги биттагина макола ёзган, холос. Киёсланг: Хайитнинг армугон, 1967, 283-6. Чўкон генерал Черняевнинг Авлиёота ва Чимкент юришларида катнашган. Русларнинг хамюртларига килаётган вахшийликларини кўргач, ўз харбий кийимидаги нишонларни юлиб ташлайди. Шунинг учун Черняев Чўконни каттик жазолайди. Киёсланг: Валиханов, 1-ж., 87-6. Чўкон Тезек овулига кетиб, 1865 йил апрелида вафот этди. У ҳозирги Козогистон шўро социалистик жумхуриятида козок-рус дўстлигининг рамзи сифатида машхурдир) унинг ёрдамчиси этиб тайинлади. 100 туя ва 50 отдан иборат карвон 18 300 сўмлик мол билан 1858 йил 13 майда Семипалатинскдан Коратол томонга караб йўлга чиқди ва 19 сентябрда чегара чизигидан ўтишди. Валихонов «Олимбой» деган сохта ном билан савдогар киёфасида иш олиб борди. Карвонбоши тошкентлик Мусабой деган савдогар эди. Карвон 1859 йилнинг июль ойида ўз ишини дўндириб қайтди. Мухим аҳамиятга эга бўлган харбий маълумотлар учун Ч.Валихоновга «4-даражали Азиз Владимир» медали топширилди. Карвонга дахлдор бошка ёрдамчиларга турли-туман хадялар берилди(Файзулла Нўгаев - Косим хонадонига (рус адабиётида Касимовская ордадейилади) мансуб татар бўлиб, 1824 йили Маендорф ва Негринларнинг Хива ҳамда Бухорога уюштирган саёхатида таржимон сифатида катнашган. Осиёдаги бир катор мамлакатларда бўлган. Узок муддат манаплар ва киргизлар орасида яшаганлиги учун уларнинг одатларини яхши биларди ва обрўси етарли эди. Киёсланг. Валихонов, Н-ж., 570 - 571 бетлар.). Бу шошилинч тадбирда Шаркий Туркистоннинг ички аҳоли, мамлакатга кириш йўллари, айникса, Гулжага бориладиган йўللарни синчиклаб ўрганишга катта эътибор берилди. Русларнинг 1871 йили Гулжага кириб боришларида бу шошилинч миссиянинг хисоботи, айникса, жуда кўп фойда келтирди. Валихонов Кўкон хонлигини заифлаштириш учун Русия Шаркий Туркистон билан савдони кучайтириши керак деган фикрни илгари сурди. Унинг ҳозирга қадар номаълум бўлиб келаётган бошка бир қанча таклифлари ҳам бор. Руслар Или ўлкаси халқининг тамойилларини жуда синчковлик билан кузатарди. Бу ерда эса Хитойга қарши 1857 йили халқ кўзголони бошланди ва хитойлар мамлакатдан қувиб чиқарилди. Или атрофи (маркази Гулжада) мустақил деб эълон қилинди. Аълохон «султон» унвони билан ҳукмдор бўлди(Қуйидагиларга медаль (такинчок) ва мукофотлар берилган: Гелдиев (татар), Эрназар (тошкентлик), Мухаммад Розик Пирназов, Жексенбай (хар иккиси Улуг Ўзнинг Абдон уругидан), Азимжон Саримсоков (тошкентлик), Юсуф Агизов (киргиз), Тошмухаммад Аюпо-вик, (тошкентлик), Абдукарим Шарифбоев, Мирзамухсин Сагитов, Мусабой (карвон йўл кўрсатувчиси, киргиз), Букаш (семипалатинсклик савдогар). Булардан бошка яна 13 кишига тўн берилди. Киёсланг: Валиханов, 11 ж., 594-99 бетлар.). Лекин хитойлар 1864 йили бу давлатни қайтадан босиб олишди. Бунда хитойлар билан Гулжа аҳолиси ўртасида шиддатли жанглар бўлди(Корнилов, Кашгария, 25-бетлар. Рус адабиётида Абилўгли Хон, инглиз адабиётида Абул Ўғлон дейилади. Киёсланг: Туркий манбаларда эса Аълохон дейилади. Киёсланг: 26-6.) ва нихоят, 1865 йили Аълохон Или ўлкасининг мустақиллигини тиклашга муяссар бўлди³⁸³. Хитой бўйинтуругидан қутулган халқ энди рус босқинига қарши мудофаа чораларини кўришга мажбур бўлди. Зеро, рус маъмурияти султондан унинг ерларида русларнинг эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини олишни истарди. Якуббекка эса гўё ўз манфаатларини ҳимоя қилгандек кўрсатиб, аслида, рус чегараларини кенгайтириш ва тижоратда тўлиқ эркинликни қўлга киритиш учун ҳаракат қилардилар. Якуббек 1870 йили Гулжани забт этди, султонни тахтдан ағдариб, шаҳардан чиқиб кетди. Шу вақтда руслар султонгаўз ҳимоясигаўтишни таклиф этишди.

Султон бу таклифни рад этди ва Шаркий Туркистоннинг бошка ўлкаларидан мухожирларни тўплашга киришди. Руслар (айникса, Гарбий Сибирь ва Туркистон бош волигидагилар) Султоннинг бу мустакил хатти-ҳаракатларини душманлик деб изохладилар. 1858 йилги кўзголонда Гулжадаги рус консуллиги камал килинди. Энди руслар икки муаммо орасида қолишди: Или ўлкасини хитойларга бўшатиб бериш ёки ўзлари очикчасига ишғол қилиш. Руслар «султоннинг ганимларча ҳаракати»дан қелиб чиқиб, Гулжани босиб олишга қарор қилди(Или воҳаси аҳолисининг хитойлар ва русларга қарши 1870 - 1871 йиллардаги қурашига доир: Мулла Билол бин Муллаюсуф ал Нозим, Қитоб газот дар мулки Чин, Гулжа, 1293 й. (ҳижрий). Русларга қарши урушда 175000 киши қурбон бўлди (Терентьев фикрига асосланган). 118-бет.), Султон аскарларини тор-мор этиб, 22 июнь 1871 йили рус қўшини Гулжа шаҳрини ишғол қилди(Костенко, Туркестанский край. III, 299-бет.). Шундай қилиб, руслар Шаркий Туркистоннинг 70000 км² ерига ҳоким бўлиб олди(Макшеев, Исторический обзор, 236 - 287; 91-бет. Или воҳаси 1847 - 1881 йилларда Хитой билан Русия орасида қелишмовчилик мавзуси эди. Қиёсланг: Анкара, 1947 йил, 312-бет.). Султон Аълоҳон Олмаота шаҳрига олиб қорилди. У шу шаҳарда вафот этди. 1872 йили асосий қисми ҳарбийлар бўлган 82 000 рус бу ерга қойлаша бошладилар. Уларнинг қойлашиши ҳаражатлари рус давлатига ортиқча юк бўлмади. Зеро, Гулжа шаҳри ҳазинаси уларнинг қўлига ўтган эди. Руслар бундан ташқари халққа 1871 йилда ҳарбий ҳаражатлар учун 50.000 сўм солиқ солган бўлса, 1880 йили ҳам бўлқадан 146.118 сўмлик солиқундир-дилар. 1879 йили руслар Британия тазйиқи остида Или ўлкасининг қелажагига оид мавзуда битим тузишга мажбур бўлди. 1879 йил 20 сентябрда Русия билан Хитой ўртасида Или ўлкасини Хитойга қайтариб беришга доир битим имзоланди. Хитой Қора Иртиш дарёсини қегара қизиги деб қабул қилди ва русларга Или ўлкасининг 10 000 км² ерини берди. Руслар Гулжа(Н.Н. Пахтусев, Сведения о кульджинском районе за 1871 - 1877 годы1, Қазань, 1861 йил, 9-бет.), Қугучақ, Қанус, Қошқар, Қоми, Урумчи, Қучан ва Турфонда консулликлар очилди ҳуқуқини ҳам қўлга қиритишди. Бундан ташқари Хитой Русиянинг Мўғулистон ва Шаркий Туркистон билан бож тўламасдан савдо ўрнатилишига рухсат берди ҳамда Хитой Русияга 500.000 сўм бериш мажбуриятини олди. Бу битимга қарамасдан, руслар босиб олган ерларидан қилиб қетишга шошилмади. Шу боис 1881 йил 24 февралда икки ҳуқуқат орасида Петербургда янги бир шартнома тузилди. Бу сафар Хитой бўйнига 900000 сўм қўйилди. Бу битим қарорига қўра Или ўлкаси муслмонлари рус ҳарбий қучлари қилиб қетгач, уларнинг истагига қиноан руслар қўл остидаги ерларга қўчиб ўтиши мумкин эди(Баранова, К вопросу..., 39-бет, дипнот 24; 40-6, дипнот 25.).

1882 йилнинг апрель ойида тахминан 10 000 хитой аскарлари Или ўлкасига қадам қўйди. Шу билан Или дарёсининг ўнг тарафидаги ўлка, битимга қиноан, Хитойга қорилди. Фақат руслар улар билан бирга қетишни истаганларга ёрдам беришни ҳаёлига ҳам қелтирмади. Ишғол қилинган ерларни топшириш бўйича масъул генерал Фрид Петербургда олган қўрсатмасидан қелиб қилиб, 1882 йил 10 январда халққа қуйидагиларни баён қилди:

1. Рус ҳуқуқати Или ўлкаси аҳолисига уйини қўчириш учун ҳеч қандай ёрдам қўрсатмайди.
2. Қўчганларнинг, қозоқлардан ташқари, ҳаммаси ҳарбий хизматга олинадилар ёки Ёттисувдаги қазак қисмларига қўшиладилар.
3. Қўчганларнинг қолалари рус тилини ўрганиши мажбурийдир.

Бу баёнотдан аввалроқ қўчиш мақсадида 12 123 оила ва 5000 юрт муқожаат қилган эди.

Баёноддан кейин ёз ойларида факат 6 327 оила ва 5 000 юрт кўчди. Рус ҳукуматининг бу колонизацион мақсади Ёттисувда мусулмон кўчманчилар кўпайишига қаратилганлигини кўрсатади(Баранова, К вопросу, 42-51. Галузо, Аграрные отношения... 274 саҳифада Или воҳасидан 10 899 оила (9752 уйғур, 1147 дунган) ёки 50 055 киши Ёттисув ўлкасига кўчирилди.).

Русия Или диёринингчудан бирига эга бўлиб, Шаркий Туркистондан чекинди(Фон Вартенбург, Рост России, 91-бетга биноан 10000 км². Костенко, Джунгария: военно-статический сборник, СПб., 1887, 95-бетида Или воҳасида 63 029 км² сатҳига эга эди.). Шунга қарамай, Шаркий Туркистоннинг савдо майдонида ўзини хусусий уйидагидек ҳис этарди. Шундай қилиб, Шаркий Туркистон Русиянинг Хитой томонга очилган дарвозаси бўлиб қолди. Русларнинг савдо ишлари бу ерда жуда юришиб кетди. Масалан, 1913 йилда руслар Шаркий Туркистонга 8.424.000 сўмлик киритса, ундан 9.816.000 сўмлик маҳсулот олдилар (Букштейн, Торговля СССР, 203-6.1918 йили Русиянинг ихрожоти 4 026 300 сўмга тушди, шунга муқобил мол чиқариш 23 132 300 сўмга етди. 204-бетда: бошқа барча мамлакатлар Хитой билан бирга импорт ва экспортда Русиядан анча орқада қолди. Шаркий Туркистоннинг буюк давлатлар билан иқтисодий алоқалари ҳақида қаранг.).

Русия 1885 йили Жунгорияни, яъни Или ўлкасидан Шаркий Туркистоннинг Олой тоғларигача чўзилган ўлкани босиб олиш ниятида эди. Шу мақсадда рус ҳарбий бошлиқлари Туркистон бош волиси Кауфманга 23 680 аскар ажратди. Бу аскарлар икки йўлдан - Фарғона ва Ёттисувдан бир вақтда юриши керак эди(Фон Вартенберг, Рост России... 90-6). Факат бу режа Русиянинг Оврўпо билан ўзаро сиёсатидаги қийинчиликлари сабаб амалга оширилмади. Шу сабабли Урусия Шаркий Туркистон ва Хитой императорлиги билан боғлиқ ўз манфаатларини сиёсий йўл билан ҳал қилишга уринди. Бу йўлда ҳам муваффақият қозонди. Шаркий Туркистон Русиянинг Хитойга тазйик ўтказиш гаровига айланиб қолди. Хитой бу борада ўз ожизлигини англади, бироқ ўзини химоя қила оладиган даражада ҳам эди.

Шаркий Туркистон халқи эса Рус ва Хитой сиёсатининг қучли босими остида қийналиб яшаётган эди. Ҳар нима бўлганда ҳам миллат сифатида яшаб қолиш учун қурашишига мажбур эди. Миллийликни сақлаб қолиши 1931 - 1934 йиллардаги миллий-озодлик ҳаракатининг муваффақиятларида бир манба бўлиб хизмат қилди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан